Тошкентдан "ЎТЙ" АЖ № Н/163а 05/01 18⁴⁰
Барча МТУ, МТУМ, ТехПД
Барча ДС тариф станцияларига
Нусхаси: М, ЖДР, ЖДЭ, ГИТ

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ қуйидагиларни маълум қилади:

2023 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) импорт қилинган буғдойдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (маҳсулот келиб чиқиши ҳақида тегишли ҳужжат асосида) қайта ишланган унни - ГНГ коди 1101 экспорт қатновида ташишда 2022 йилда ўрнатилган ташиш тариф шартлари ўз кучида қолади.

Юк ташиш ҳужжатини расмийлаштиришда ушбу телеграмманинг "ННтп-23ххх" тартиб рақамидаги бешталик – "23ххх" рақамлари қизил ручкада кўрсатилиши шарт.

Ишда қўллаш учун инобатга олинсин.

Барча МТУ, МТУМ ўз доирасидаги ДС тариф станцияларини таништирсин.

ННтп - 23033

**Н в.б.** **Хасилов**

*Ижро. Шукурова С.С.*
*тел: 4-99-85*

*Маҳаллий: М, ЖДР, ЖДЭ, ГИТга етказилди*

**Тошкентдан "ЎТЙ" АЖ №** ЧЛ/179а 6/01 1255 Хлеб
**Барча МТУ, МТУМ, ТехПД**
**ДС тариф станцияларига**
**Нусхаси: М, ЖДР, ЖДЭ, ГИТ**

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ қуйидагиларни маълум қилади:

2023 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) импорт қатновида қайта ишлаш учун келтириладиган буғдойни (ГНГ коди 1001) Қозоғистон Республикасининг Келес ва Қарақалпакстан чегара станциялари орқали "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ станцияларига ташишда тўловларни тўлаш шаклидан ва вагон тегишлилигидан қатъий назар, ТП УТЙнинг ставкаларига 0,75 камайтирувчи коэффициенти қўлланилсин.

Камайтирувчи коэффициентларни қўллаш шартлари мос келадиган ҳолатларда:

чегирма миқдори фарқли ҳолатда – энг юқориси;

чегирма миқдори тенг ҳолатда – бир марта.

Юк ташиш ҳужжатини расмийлаштиришда ушбу телеграмманинг "ННтп-23ХХХ" тартиб рақамидаги бешталик – "23ХХХ" рақамлари қизил ручкада кўрсатилиши шарт.

МТУ, МТУМ Тошкент ўз доирасидаги тариф станцияларни таништирсин.

ННтп - 23034

**Н в.б.** **Хасилов**

Ижр. Ахмедова Д.М.
тел: 4-93-42

Маҳаллий: М, ЖДР, ЖДЭ, ГИТга юборилди